

***Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта
таълим вазирлиги***

Тошкент Автомобил Йўллар Институтини




**НОБЕЛ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ
ВА УНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ.**

РЕФЕРАТ

**Тузувчилар: доц. Мирсоатов.Р.М
асс . Хапизов. Ў.Ж**

Тошкент -2010 й



Алфред Бернхард Нобел

Алфред Бернхард Нобел, динамитнинг ихтирочис ва Нобел мукофотининг
тадбиқотчиси

Таваллуди [1833](#) йил, [21 октябр](#)
[Стокгоlm](#), Швеция

В а ф о т и [1896](#) йил, [10](#) декабр
[Санremo](#), Италия

М и л л а т и [Швед](#)

С о х а с и [Кимё](#)

Машхур Динамит

ишлари Нобел мукофоти

НОБЕЛ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ ВА УНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ.

РЕЖА

1. Алфред Бернхард Нобел буюк олим ва Нобел мукофотининг тадбиқотчиси

- А) Алфред Нобел ҳаётига бир назар**
- Б) Алфред Нобел васияти**

2. Улуғ мукофот тарихи

- А) Нобел жамғармаси**
- В) Номзодларни танлаш**

3. Физика фани бўйича Нобел мукофоти совриндорлари

Алфред Бернхард Нобел буюк олим ва Нобел мукофотининг тадқиқотчиси

Ҳар йили декабр ойининг дастлабки кунлари жаҳон илм аҳлининг нигоҳи Швециянинг Стокгоlm шаҳрига қаратилади. Чунки бу ерда йирик кашфиёт ва олмшумул ихтиролар муаллифларини ўтиб бораётган йил натижалари бўйича буюк кашфиётчи олим Алфред Нобел номи билан аталадиган энг нуфузли мукофот билан тақдирлаш маросимлари ўтказилади

Илм фан ривожини бутун фан олимларининг табиат иномларини ўрганиш йўлидаги буюк ишларида уларни доимо бирлаштириб келган. Инсон тафаккурининг маҳсули бўлган кашфиётлар бевосита илмий ва назарий тадқиқотлар билан боғлиқ бўлгани боис, турли мамлакатлар олимларининг ҳамкорлиги нафақат фан ва техниканинг, балки бутун инсоният ривожининг асоси ҳисобланади.

Турган гапки кенг жамоатчилик олимларнинг қўлга киритаётган ютуқларига бефарқ қараб турмаган ҳамда уларнинг буюк хизматларига нисбатан холис баҳо бериш тизимлари ишлаб чиқилган. Айниқса, бизнинг давримизга келиб фан ва техника соҳасидаги ютуқларни кенг қўламда тақдирлаш оммалашиб кетди.

Илмий марказлар, академия ва жамиятлар, кўплаб миллий ташкилотлар, турли давлатларнинг махсус қўмиталари ҳамда халқаро ташкилотлар олимларнинг илм-фан ривожига хизматлари ёки кашфиётларини турли мукофотлар кўринишида муносиб тақдирлаб келмоқда. Ана шундай илмий мукофотлардан бири 1900 йил 29 июнда таъсис этилган Нобел мукофотидир. Ушбу ноёб мукофот таниқли швед олими Алфред Нобел васиятига васиятига асосан таъсис этилган бўлиб, ҳар йилнинг декабр ойида бериб борилади. Васиятноманинг ўзбекча тадбилига назар ташлайлик.

Алфред Нобел ҳаётига бир назар

Нобеллар сулоласи вакиллари XIX асрда динамитнинг ихтиро қилиниши ва нуфузли мукофотлар билан боғлиқлиги билан ўша даврдаги йирик саноатчи ҳамда молиячилар ўртасида катта обрўга эга бўлган. Ушбу сулолага XVII аср бошларида асос солинган бўлиб, Алфред Нобел бешинчи авлод вакили ҳисобланади. Унинг отаси Эммануэл Нобел (1801-1872) Упсалдаги университетни тамомлагач, Стокгольмда архитектор бўлиб ишлай бошлайди. 1837 йили ўша даврда Россия империяси таркибига кирган Финляндияга жўнаб кетади. 1842 йили эса у хотини ва уч ўғли Роберт, Людвиг ҳамда Алфредлар билан Петербургга кўчиб ўтади. Ўша йиллари россия Империяси нисбатан аграр мамлакат бўлганлиги сабабли кучли армияга, қолаверса армия учун қурол-аслаҳа ва ўқ-дори етказиб берадиган ҳарбий заводларга муҳтож эди. Техника соҳасида чуқур билимга эга бўлган Эммануэл Нобел айнан шу йўналишда изланишларни йўлга қўйди, кейинчалик бу ишиларини унинг ўғли Алфред давом эттирди.

Алфред Нобел тўғрисида сўз юритар эканмиз, кўпчилики у қандай одам бўлган, деган савол қизиқтирса керак, албатта.

1833 йилда туғилган Алфред ўрта бўйли ўркам киши эди. Унинг сочлари тим қора, кўзлари тўқ мовий бўлиб, соқоли ўзига ярашиб турар эди. Алфред Нобел ўша вақтда урф бўлган қора ипли кўзойнак тақиб юрарди.

Алфреднинг болалиги Россияда ўтгани боис петербургда рус тилини ўрганди ва хусусий ўқитувчилар қўлида билим олди. Бир неча йил Россия ва Европанинг йирик давлатларида билим олган Алфред, 1863 йили отасининг илтимосига биноан Швецияга қайтиб келди. Петербурглик профессор Н.Н.Зинин раҳбарлигида бир қатор илмий ишларни амалга оширган А.Нобел, 1846 йили Италиялик олим Асканио Собrero томонидан кашф қилинган янги модда нитроглицеринга қизиқиб қолди.

1864 йил октябр ойида А.Нобел Швеция темир йўллар давлат бошқарувини ўзи яратган портловчи моддаларни туннеллар қурилишида қўллашда ва катта миқдорда ишлаб чиқаришга қўндирди.

А.Нобел ўз ихтироларига хорижий мамлакатлар патентларини олиш билан бир қаторда портловчи моддаларни ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўя бошлади.

1866 йили Алфред нитроглицерин билан кезелгурнинг аралашмаси асосида янги модда яратди. Бу ихтиро қилинган портловчи модда “динамитёки Нобелнинг хавфсиз портловчи” деб атала бошланди. Бир йилдан сўнг у ўз мукофоти учун патент олди. Келажаги порлоқ динамитнинг довуғи тез тарқалди.

XIX асрнинг 80-йилларида Нобел портловчи моддаларига бўлган ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида Европанинг бир қатор мамлакатларида янги корхоналар қурдира бошлади. Бу вақтда Швет мухандиси ва ихтирочиси эди буюк тадбиркор ҳамда малакали молиячи сифатда танилиб қолган эди. унинг умумий мол-мулкидан олинадиган даромади ҳам кундан кунга орта борди. Шунга ҳам қарамасдан А.Нобел физика ва кимё соҳасидаги илмий изланишларини давом эттириб, янада самаралироқ бўлган янги турдаги портиловчи моддалар яратиш билан шуғулланди. Бундай янги ихтиролар қаторига тутинсиз портиллайдиган нитроглицеринли порих-баллиститни киритиш мумкин.

1876 йили А.Нобел Вена шаҳридаги Банен-бай-Вин сихатгоҳида 20 ёшли келишган ва гўзал Софи Гесс билан танишиб қолган. Бу пайтга келиб 43 ёшни уриб қўйган А.Нобел билан ёш СоФи ортасида мухаббат ришталари пайдо бўлди. Гул дўконида сотувчи бўлиб ишлаётган Софи хикоямиз қахрамони билан Парижга бирга кетади. Улар 1891 йилгача бирга яшайдилар лекин улар ортасидаги фарқи ва Нобел соғлиғидаги қусирлар ўз таъсирини кўрсатди ҳамда олим ўлмидан бир неча йил олдин улар ажрашди.

Умрининг сўнги йилларини Сан-Ремода ўтказган А.Нобел, оғир юрак кассалигига учраганлигига қарамасдан, адабий асарлар ёзиш билан ҳам

шуғулланди, ҳамда бу соҳада ҳам ўткир қалам соҳиби эканлигини намоиш этди.

Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган буюк олим ва ажойиб фазилатлар эгаси А.Нобел 1896 йил ўлган. Бу вақтга келиб унинг 93 корхонасида йилига 66500 тонна тиурли портиловчи моддалар ишлаб чиқарилаётди.

Алфред Нобел васияти

Мен, қуйида имзо чекувчи, Алфред берихард Нобел, чуқур ўйлаб ва ҳал қилиб, ўлимим юз берадиган кунгача тўплаган бойлигим тўғрисидаги ушбу васиятномани маълум қиламан.

Мендан кейин қоладиган барча бойликларим қуйидагича тақсимлансин: васиятни ижро этувчилар томонидан ҳамма қимматбаҳо қоғозларга айлантирилсин улар асосида фонд ташкил қилиниб, ундан олинадиган фоизлар ҳар йили инсоният рафнақи йўлида энг кўп хисса қўшган кимсаларга мукофот кўринишида бериб берилсин. Айтиб ўтилган фоизлар тенг беш қимсга бўлинсин ҳамда қуйидагича тақсимлансин: биринчи қисми физика соҳасида буюк кашфиёт ва ихтиро яратганларга, иккинчиси кимё оламида қўлга киритилган янги ва оламшумул ишларни амалга оширганларга, учинчиси бутун дунё тан оладиган муваффақиятларга эришган физиология ёки тиббиёт соҳаси вакилларига, тўртинчиси инсон идеалларини ўзида мужссам этган ва акс эттирган адабий асарлар муаллифларига, бешинчиси инсоният бирдамлиги қуллиқни бартараф қилиш, ҳаракатдаги армиялар сонини қисқартириш ҳамда давлатлар ўртасидаги тинчлик шартномалари соҳасида буюк хизмат кўрсатган шахсларга. Физика ва кимё соҳасидаги мукофотлар Швеция Қироллик Академияси томонидан, физиология ва тиббиёт соҳаси бўйича бериладиган мукофотлар Стокгольмдаги Қироллик Каролина институти томонидан, адабиёт соҳасидаги соҳасидаги мукофотлар Стокгольмдаги Швеция Академияси

томонидан, тинчлик соҳасидаги мукофот эса Норвегия Олий ҳукумати ҳукумат кенгашидан сайланадиган беш кишидан иборат қўмита томонидан берилади.

Менинг алоҳида хоҳишим шундан иборатки, мукофот берилганда, қайси миллатдан миллатдан қатъий назар, скандинавияликми ёки бошқами, умуман миллати ҳисобга олинмаган ҳолда ушбу мукофотга энг лойиқ номзодлар танлаб олиниши зарур.

Ушбу васиятнома охирги ва мукаммал ҳисобланиб, у қонуний кучга эга ҳамда агар менинг ўлимимдан сўнг бошқа васиятномалар пайдо бўлса уларнинг барчасини бекор қилади.

Ва ниҳоят, менинг сўнги талабим шундан иборатки, ўлимим тўғрисидаги малакали врачнинг хулосасидан сўнг, менинг танам ёқиб юборишга берилсин.

Алфред Берихард Нобел
Париж, 1895 йил 27 ноябр

Нобел Жамғармасы

Швеция давлат парламентида овоз бериш йўли билан ўз ўрнини топган Нобел жамғармасининг Низоми, Швеция Қиролининг тасдиғидан ўтгач, 1900 йил 29 июн куни, Нобел васият қилиб кетган мақсадли жамғарма тўғрисидаги ғоя амалга оширилди. 1897 йили А.Нобелнинг барча мол мулкани сотишдан ҳосил бўлган жамғарманинг умумий миқдори тўввиз миллионни ташкил қилди. 1901 йил Нобел мукофоти совриндорларининг ҳрбири 42 минг доллардан маблағ олдилар.

Нобел жамғармасининг Низомида мукофотларни топширувчи ҳар тўртта ташкилот қошида Нобел институтлари ташкил этилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган бўлиб, улар кўрсатилган номзодларни ўрганиш ва улардан мукофотга муносибларини танлаб олиш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширади.

Ташкилий ишларни асосан Швеция Фанлар Академияси қошида очилган институтлар амалга оширади:

Масалан : 1905 йили Швеция Фанлар Академияси қошида очилган институт, кейинчалик эса ушбу институтда физика (1937) ва кимё (1944) фанлари соҳасида Нобел мукофотини бериш бўлимлари ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, А.Нобелнинг нияти бўйича нияти мукофотлар ўз вақтида илмий кашфиёт ва ихтироларини яратиб, кейинчалик кексалик гаштини сураётган ёки илмий ишлардан узоқлашиб қолган олимларга эмас, балки келажаги порлоқ ҳамда ўз соҳасининг фидойиси бўлган новқирон илм дарғаларига берилиши кўзда тутилган эди.

Номзодларни танлаш

Ҳар йили 21 октябр А.Нобел таваллуд тобган куни янги мукофат соҳибларининг номлари элон қилинади ҳўш, бундай бообруь мукофат номзодлари қай тартибда ва кимлар томондан аниқланади.

Ушбу номзодларни танлаш институт қошидаги қўмиталар томонидан амалга оширилиб қўмита аъзоларига ваколат маддатлари уч йилдан беш йилгача берилади. Йил боши нобел қўмиталари томонидан жаҳондаги таниқли

олимларга янги номзодлар кўрсатишлари учун сўровномалар жўнатилади. Номзодлар тўғрисидаги таклифлар йилнинг 1 февралига қадар жамғармага топширилиши шарт.

Қўмитанинг мажлис ва кенгашлари тўғрисидаги маълумотлар ўта сир сақланади. Мажлис вақтида стенографик ёзувлар ўтказилмайди ва мукофат насиб этмаган номзодларнинг номлари ҳеч қаерда эълон қилинмайди. Умуман олганда, Нобел мукофатининг соҳибларининг ўртача ёши 39 га тег бўлиб, бу ёш физикларда 36, кимёгарларда 39, тиббиёт вакилларда 41 ни ташкил этади. Энг ёш мукофот соҳиби Уилям Лауренс Брегг ҳисобланади. У ушбу мукофотга 25 ёшида сазовор бўлган.

Шу кунгача Нобел мукофотига кўплаб олимлар сазовор бўлиб, улар физиклар, химиклар, тиббиёт вакиллари, адабиёт соҳаси вакиллари дир.

Физика фани бўйича Нобел мукофоти совриндорлари.

Фан оламида шундай олимлар ижод қилиб ўтганки, улар яратган илмий ғоя кашфиётлар бутун бир янги ўрганиладиган соҳаларнинг юзага келишига сабабчи бўлади. Худди шундай қилинган ишлар натижасида физика соҳасида эришлган ютуқлар орқали фан тараққиётида улкан чўққиларга эришилди ва эришилмоқда. Бунга мисол тариқсида микроэлектроника , нанотехнологиялар бўйича қилинаётган ихтироларни айтиб ўтиш мумкин.

Қуйида физика соҳасида бир қанча ишларни амалга оширган Нобел мукофоти совриндорларининг баъзилари ҳақида фикр юритилган.

Нобел мукофотининг илк соҳиблари

Вилгелм Конрад Ренгент немис физик тадқиқодчиси. (1901) (физик)

Якоб Хендрик Вант-Гофф Нидерландиялик физик кимёгар (1901) (кимё)

Эмил Адолф Беринг Немис Бактериолог олими (1901)

Қўш мукофот соҳиблари

Нобел мукофоти соҳиблари орасида шундай инсонлар борки, улар ўз ҳаётлари ва илмий фаолиятлари давомида яратган ихтиро ҳамда кашфиётлари орқасидан қўлга киритган ютуқлари учун ушбу ноёб мукофотга икки мартадан сазовор бўлганлар улардан:

Мария Склодовская-Кюри	Варшава шаҳри
Лайнус Полинг	АҚШ(Орегонта)
Жон Бардин	АҚШ (Висконсин)
Фредрик Сенгер	Англия(Рендкомб)
Алберт Эйнштейн	Олмония(Улма)

Оилавий мукофот соҳиблари

Нобел мукофоти тўғрисидаги маълумотларни тайёрлаш давомида бир оиладан етишиб чиққан совриндор олимлар диққатимизни тортди. Бир оила ёки сулола вакилларида бу олий мукофотга қуйидаги олимлар сазовор бўлишган:

Пьер ва Мария Кюри, уларнинг қизи ва куёви **Ирен ва Фредерик Жолио-Кюри**, ота бола **Нилс Бор** ва **Оге Бор**, ота бола **Уилям Генри Брэгг** ва **Уилям Лоренс Брэгг**, ота бола **Манн Сигбан** ва **Кай Сигбан**